

## ПОЛКОВНИКНИНГ ИЗТИРОБИ

Бунақа ҳадикларга тик бориш ва уни енгиш учун судьяда отнинг калласидай юрак, қайноқ виждон, покиза диёнат бўлмоғи керак. Афсуски, бу неъматлар ҳаммада ҳамма вақт топилавермайди. Натижада...

2 -бет

## 4 миллиард доллар ташвиши



2012 йилда Лондонда ўтказилиши кўзда тутилган Олимпия ўйинлари Буюк Британия ҳукуматини андак ташвишга солиб қўймоқда. Чунки Олимпия ўйинларини ўтказиш учун кетадиган сарф-харажат 2,5 млрд. фунт стерлинг (4 млрд. АҚШ доллари) ни ташкил этмоқда.

3 -бет



## ТАРИХИЙ СУПА

— Йўқ! — деди Ўрозмат ҳамманинг капалагини учириб. — Мен аҳмоқ эмасман, ҳадеб тўртта ғиштни у ёқдан бу ёққа олаверган.

— Ҳа-а, биз аҳмоқмиз! — деди цех бошлиғи кесатиб. — Сиз доносиз, бошлиқлар нодон. Ҳо-ой, калла! Бу хўжайиннинг топшириғи! Бажармайман, деб кўр-чи.

4 -бет

Mustaqil gazeta
# HURRIYAT
1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan
№2 (308) 2003-yil 15-yanvar

«Ҳуррият» сизники, Сиз ҲУРРИЯТники бўлинг!

Газетамизга обуна давом этмоқда.

Нашр кўрсаткичимиз:
Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233.

**ВАЛЮТА ҚИЙМАТИ**

1 АҚШ $ — 960,15 сўм

1 ЕВРО — 1009,31 сўм



Сана

# ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА ЭҲТИРОМ

Куни кеча пойтахтнинг "Туркистон" саройида 14 январ — Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳарбийлар, армия фахрийлари, аскарларнинг ота-оналари, шаҳар жамоатчилиги вакиллари иштирокида тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Байрам муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий бош қўмондони Ислом Каримов ватан ҳимоячиларига табрик йўллади. Унда, жумладан, бундай дейилади: **"Шу борада замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланган, ихчам ва ҳаракатчан, бугунги кун талабларига тўла жавоб бера оладиган Қуролли Кучларимизни шакллантириш ва шу мақсадда амалга ошираётган ислоҳотларимиз нақадар долзарб эканини, уларнинг аҳамияти ва моҳиятини тушуниш, англаб етиш қийин эмас...**

**Аввало, мамлакатимизнинг Мудофаа доктринаси ишлаб чиқилиб, шу негизда Қуролли Кучларимиз модернизация қилинаётган бир пайтда унинг таркибини мутлақо янгича асосда — энг кичик гуруҳдан тортиб бригадагача қайтадан тузиш, ҳарбий округлар, махсус қисм ва бўлинмалар ташкил этиш, биз яшаётган Марказий Осиёдаги мавжуд хавф-хатарлар, юртимизга қарши қаратилган ҳар қандай хуруж ва юришларнинг олдини олиш борасидаги ислоҳотлар минтақамиздаги ҳарбий ҳаракатлар майдонининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ўтказилаётгани шулар жумласидандир".**



Шавкат ЗУФАРОВ олган сурат

Юртдошимиз

# МЕТИН ИРОДА

Хотира майдони бўйлаб Иккинчи Жаҳон урушида мардларча ҳалок бўлган ўзбекистонлик жангчи аскарлар номларини ҳижжалаб ўқиганча секин одимлаб бораркanман, дафъатан, кўп йиллар ўзим билган Валентин Иванович Цхе ёдимга тушди. Байрам баҳона у киши кўрсатган жасоратларни бир-бир эсга оламан.



В. Цхе 1925 йилнинг март ойида Тошкентда туғилган, ҳозирги Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика университетининг Тарих факультетини тамомлаган. 1942 йил меҳнат фаолиятини эндигина бошлаш арафасида турган В. Цхе ҳарбий хизматга чақирилади-ю, 1946 йилга қадар қўлида қуроли билан ўзбек ўғлонлари қаторида туриб, ғанимларга қарши қаҳрамонларча курашгани туфайли бир неча орден ва медаллар соҳибига айланади.

Бугунги кунда тиниб-тинчимаган Валентин амаки Мирзо Улуғбек номидаги Технология касб-ҳунар коллежида бошланғич ҳарбий таълим раҳбари бўлиб ишламоқда.

Валентин Ивановичнинг бундай эзгу ишларига ғойибона бўлса-да, омадлар тиладим.

Дадахон БОСИТ

# ЯНГИ ЙИЛДА КИМ ҚАНЧА СОЛИҚ ТЎЛАЙДИ?

**Биз Ўзбекистон Давлат Солиқ қўмитаси Матбуот хизматига ана шу савол билан мурожаат қилгач, янги йилда Ўзбекистон Солиқ Кодекси ва Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 30 декабрдаги 455-қарорига мувофиқ жисмоний ва юридик шахслардан қуйидаги солиқ ва тўловлар амалдалиги хусусида маълумот олдик.**

## ДАРОМАД СОЛИҒИ

*2003 йилда **даромад солиғи 20 фоиз** қилиб белгиланди. (2002 йилда бу солиқ 24 фоиз эди).*

## ЯГОНА СОЛИҚ

**Солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизими қўлланилаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқнинг қуйидаги ставкалари белгиланди:**

– харид, таъминлаш-сотиш билан шуғулланувчи корхоналар, брокерлик фирмалари – ялпи даромадининг 30 фоизи миқдорида

— хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар — ялпи тушган маблағнинг 50 фоизи миқдорида

— гастрол-концерт ўтказишга лицензияси бўлган юридик ва жисмоний шахслар ҳамда норезидентларни жалб қилиш ҳисобига оммавий томоша тадбирлари уюштириш орқали даромад оладиган корхоналар – ялпи тушган маблағнинг 35 фоизи миқдорида

— қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчиси бўлмаган, ягона ер солиғини тўловчи қишлоқ хўжалиги корхоналари — умумий тушумнинг 6 фоизи миқдорида

— иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари корхоналари — ялпи тушумнинг 12 фоизи миқдорида, лизинг компаниялари эса лизинг берувчининг фойдасига (маржа) нисбатан фоиз ҳисобида.

## ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ

**2003 йил 1 январдан бошлаб иш ҳақи, мукофотлар ва жисмоний шахслар даромади суммасидан қуйидаги миқдорда солиқ олинади:**

| Умумий даромад ҳажми | Солиқ миқдори |
|---|---|
| Энг кам иш ҳақининг **беш барobaригача** бўлган иш ҳақидан | Даромад суммасининг **13 фоизи** |
| Энг кам иш ҳақининг беш (+1 сўм) баробаридан **ўн баробаригача** | Энг кам иш ҳақининг беш баробардан солиқ + беш баробардан ошган сумманинг **22 фоизи** |
| Энг кам иш ҳақининг **ўн баробари** (+ 1 сўм) ва ундан ортиқ | Энг кам иш ҳақининг ўн баробари солиқ + ўн баробардан ошган сумманинг **32 фоизи** |

## МАҲАЛЛИЙ СОЛИҚ ВА ЙИҒИМЛАР

2003 йил 1 январдан — реклама солиғи, автотранспот воситаларини олиб сотиш солиғи бекор қилинди.

## ҚЎШИМЧА ҚИЙМАТ СОЛИҒИ

Солиққа тортилувчи барча айланмаларга ягона қўшимча қиймат солиғи (НДС) 20 фоиз миқдорида сақланиб қолинади.

А. РАҲИМ тайёрлади

Муносабат

# СПОРТ РАҒБАТ БИЛАН ТИКЛАНАДИ

**Маълумки, Президент Фармонига асосан Республикамизда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди. Шу ўринда унинг асосий мақсади нималардан иборат деган савол туғилиши табиий. Жамоатчи мухбиримиз Илҳом ШЕРМУҲАММАД мазкур соҳа вакилларининг фикр-мулоҳазалари билан қизикди.**

**Абдулла ОЧИЛОВ, Республика давлат Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари:**

— Ёшлар ва болаларда спортга меҳр уйғотиш, жисмоний камолга етказиш, спорт соҳасидаги миллий қадриятлар ва анъаналарни сақлаш, улар учун барча шарт-шароитларни яратиш ҳамда малакали кадрлар билан таъминлаш асосий вазифаларимиз сирасига киради. Мамлакат раҳбарининг бу борадаги фармони ва ана шу асосда жамғарма ташкил этилиши олдимиздаги вазифаларни амалга оширишдаги катта имкониятлардан биридир. Шундай экан, биз ундан самарали фойдаланишимиз керак бўлади.

**Эркин ҒИЁСОВ, Республика давлат Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раисининг маслаҳатчиси:**

— Маълумотларга қараганда, Республикамиздаги болаларнинг 70 фоизга яқини қишлоқ жойларда яшайди. Лекин ҳамма қишлоқда ҳам шароит бор ва етарли, деб бўлмайди. Шунинг учун барча спорт мактаблари бўйича спорт заллари ва анжомлар билан жиҳозлаш асосий масалалардан биридир.

**Ҳ. ТОШХЎЖАЕВ, самбо кураши бўйича Республика терма командаси мураббийси:**

— Бозор иқтисодиёти қийинчиликларига қарамасдан ёшларимиз ўртасида спортга қизиқиш кучаяётганлигини алоҳида таъкидлашни истардим. Лекин шароитни кўнгилдагидек, деб бўлмайди. Болалар спортини ривожлантириш дастури барча спорт турларидаги муаммоларни ечишда асосий омиллардан бири бўлади, деб умид қиламиз.

Ёшларимиз ўртасида иқтидорли болалар жуда кўп. Кейинги 2-3 йил ичида бир қанча ёшлар, ҳатто жаҳон миқёсида юқори ўринларни эгаллаб, нимага қодир эканликларини намойиш этдилар. Спортдаги 45 йиллик тажрибамга таяниб айтишим мумкинки, ёшларимизнинг спорт соҳасидаги келажаги порлоқ бўлиши шубҳасиз. Бир нарсани айтмасам бўлмайди. Маълумки, ҳар қандай мусобақадан кейин ғолибларга мукофотлар тақдим этилади. Бу ўзига хос рағбат усулидир. Бу усул ўз навбатида болаларнинг спортга бўлган қизиқишларини янада ривожлантиради. Ҳатто буни спортни ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири десак, хато қилмаймиз.



**Тоҳир КАМОЛОВ, Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туманидаги "Умид" маҳалласи оқсоқоли:**

— Маҳалламизда спорт билан шуғулланадиган иқтидорли болалар жуда кўп. Аммо улар машқ қилишлари учун зарур спорт зали ёки майдончаси йўқ. Маҳаллалар ихтиёрида катта маблағ бўлмаганлиги боис, болаларни спортга жалб қилиш иши бир қадар қийин кечмоқда эди. Президентимизнинг ўзлари болалар спортини ривожлантиришга бош-қош бўлаётганлари бизни янада умидлантирмоқда. Бу келажакда болаларимизнинг спортга бўлган қизиқишларига кенг йўл очиб беради.

## «Ҳуррият»ни самода ҳам ўқишмоқда



**2003 йил давомида «Ҳуррият» «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси самолётларида йўловчиларнинг энг яқин ҳамроҳи бўлади.**

Сўров

# МАҲАЛЛА БИЗНИНГ ҲАЁТИМИЗДА

***Президент Ислом Каримов ташаббусига биноан 2003 йил "Обод маҳалла йили" деб эълон қилинди. "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази доимий равишда маҳалланинг ҳар бир шахс ҳаётидаги ўрнини ўрганиб келмоқда.***

***Қуйида ана шу мавзудаги сўров натижалари билан танишинг.***

**Сиз ва оилангиз ҳаётида маҳалла қандай роль ўйнайди?**

(сўралганлар жавоби % да)

| Жавоблар | 1998 | 1999 | 2000 | 2001 | 2002 |
|---|---|---|---|---|---|
| Менинг ва оиламнинг ҳаётида маҳалла катта ва муҳим роль ўйнайди | 52,4 | 66,9 | 58,8 | 59,3 | 60,1 |
| Менинг ва оиламнинг ҳаётида маҳалланинг роли катта эмас | 24,8 | 14,8 | 19,3 | 21,8 | 24,1 |
| Менинг ва оилам ҳаётида маҳалла ҳеч қандай роль ўйнамайди | 22,8 | 14,5 | 13,8 | 13,1 | 12,4 |
| Айтишим қийин | — | 3,8 | 8,1 | 5,8 | 3,4 |

Ажабо!

# ҚИШЛОҚНИНГ «ЖИНЧИРОҚ»ЛАРИ

***ёки республика "Ўзбекэнерго" Давлат акциядорлик компанияси тармоқларидаги электр қувватлари нима учун қишлоқларда ўчириб қўйилмоқда?***

Ўтган йилнинг айни ноябр ойи ўртаси эди. Йўлим тушиб Бағдодга бордим. Эски қадрдонларимдан Тошхўжа ака Масолиев мени бироз нохушроқ кутиб олдилар. Бундан ўзим ҳам хижолат бўлдим. Гапнинг сираси кейинроқ чиқди.

— Айбга буюрмайсиз, меҳмон, — дея ўзига хос сиполик билан сирни оча бошладилар Тошхўжа ака. — Қишлоқчилик, бизда ҳар куни атиги икки соатгина, унда ҳам кундуз кунлари чироқ ёнади — сув чиқариш учунгина. Бошқа вақтларда чироқ бутунлай ўчади. Айни шу чироқ ёнган пайтларда одамлар сув қувурлари ёнида турнақатор бўлиб кетишади. Бу ҳақда бормаган жойимиз, айтмаган раҳбаримиз, кирмаган ташкилотимиз қолмади, нафи бўлмаяпти.

Мен бундай ҳодисанинг аслида бир кун аввал, Бағдод тумани марказидаги меҳмонхонада эканлигимдаёқ гувоҳи бўлган эдим. Меҳмонхонада бутун тун бўйи электр бўлмади, кунимиз пилта билан ёнадиган "жинчироқ"ларга қолган эди.

— Бундай ҳоллар Фарғонада ҳар куни бўлиб туради, кўникиб кетганмиз, — деди меҳмонхона бекаси менга. — Фақат бизда эмас, водийдаги барча қишлоқларда қиш келиши билан мана шундай "чироқ ўйинлари" бўлиб туради.

— Балки электр тармоқларининг бирор мурвати бузилгандир, — дейман опага.

— Қайда, ҳаммаси яхши. Қаергадир электр қуввати бериш керак бўларкан, буни Энергетика вазирлиги буюрганмиш.

Ажаб, мен Фарғонага қилган сафарим пайтида Тошлоқ, Марғилон, Водил, Данғара, Олтиариқда ҳам шундай аянчли манзаранинг гувоҳи бўлганман. Яқиндан бери бу ҳол Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманида ҳам тез-тез содир бўла бошлади. Аслида бундай ҳол фақат мазкур йилдагина эмас, бир неча йиллардан бери давом этиб келмоқда. Масалан, 2001 йил Оҳангарон туманида электрларнинг тез-тез ўчиб туриши, аксар ҳолларда тўсатдан кучли электр қувватининг берилиши натижасида хонадонлардаги кўпгина электр асбоблари, шу жумладан, музлаткичлар, радиоприёмник, телевизор ва бошқа асбобларнинг ишдан чиқаётганлиги ҳақида "Машалоқ" сарлавҳали мақола билан матбуотда чиқиш қилган эдик. Шундан сўнг Тошкентдан бир қанча вакиллар келиб, ишни текширган бўлишди, аммо ҳеч қандай натижа бўлмади. Бу йил эса аҳвол аввалгисидан ёмон бўлса ёмонки, яхши эмас.



2002 йилнинг 2,4,7, 21,27,30 ноябр кунлари, 4, 6, 12, 17, 19, 20, 21, 22, 24, 26, 27, 28 декабр кунлари айни кечки овқатни олдингизга олиш пайти тўсатдан чироқлар ўчади. Ўчганда ҳам тўрт-беш, гоҳо олти-етти соатга ўчади. Одамлар ҳайрон. Шубҳасиз, бундай пайтларда водопроводлардан сув чиқмайди, телефон алоқаси ишламайди, турли маиший корхоналар, қишлоқдаги ҳунармандчилик устахоналари, сартарошхона, завод ва бошқа ишлаб чиқариш корхоналари фаоллиги вақтинча тўхтаб туради. Мен баъзи мутахассислар ёрдамида ҳисоблаб чиқдим: фақатгина Қорахитой қишлоғидаги гуруч ва ун ишлаб чиқарадиган корхоналар бир неча соат электр қувватисиз ишламай тургани учун 876 минг сўм, ошхоналар бир миллион сўм, сартарошхоналар 4789 сўм, айрим мактаб ошхоналари 12 минг сўм, хўжалик устахоналари 947 минг сўм, сут-товар фермалари 5 миллион сўм иқтисодий зарар кўрар экан.

Қишлоқда 13 минг аҳоли истиқомат қилади. Улар учун атиги бир жойдагина сув ресурси ишлайди ва у электрсиз мутлақо ишламайди. Бинобарин, аҳоли ўша куни ичимлик сувисиз қолади. Ўзингиз ўйлаб кўринг, электр қуввати эрталаб соат 6 ларда нонушта тайёрлаш вақтида узилиб, кеч соат 19 га яқин ёқилади. Бинобарин, ичимлик суви электр узатила бошлаган роса икки-уч соатлардан сўнггина чиқа бошлайди.

Ўтган йилнинг 30 декабр куни, Оҳангарон туман ҳокими Туробжон Холтоев мутасадди вакилларини махсус равишда огоҳлантириб, бундай номаъқулчиликка барҳам беришни талаб қилган эди. Аммо электрчилар ҳамон ўз билганларидан қолмаяптилар. Масалан, 2-3 январ кунлари ҳам ўша ҳолат такрорланди. Бунга ким чек қўяди?

Мен Оҳангарон туман электр тармоқлари идорасининг диспетчери Ольга Петровна Потапова билан боғландим.

— Электрнинг тўсатдан ўчирилишида биз айбдор эмасмиз, — деди О. Петровна. — Бизга Тошкент вилоят электр бошқармасидан диспетчерлар қўнғироқ қилиб, электрни маълум муддатга ўчиришни буюрадилар. Биз уларнинг айтганини қилишга мажбурмиз.

— Айнан ким буюради? Нима учун қишлоқ аҳлини огоҳлантирмаган ҳолда электрлар ўчирилади? — дея сўрайман ундан.

— Диспетчерлар жуда кўп, улар бизга ўз исмларини айтмайдилар, сўнгра улар тўсатдан қўнғироқ қилиб фалон соатгача ўчиринглар, қувватни фалон ерга юборинглар, дейишади.

Энди Оҳангарон туман электр узатиш тармоқлари бошлиғи вазифасини вақтинча бажарувчи Қўчқор Толипов билан боғланаман.

— Мен кичкина одамман, — дейди Қ.Толипов, — ҳақиқатан ҳам қишлоқда электр ўчган эканми, ёниб қолар, сабр ҳам керак-ку!

— Электрларни ўчиришни ким буюрган? — дейман унга. Аммо у бу саволга жавоб бермай, тезлик билан телефон гўшагини қўяди...

Умуман олганда, аҳвол шунақа. Назаримда, "Ўзбекэнерго"даги айрим раҳбарларнинг эмас, ҳатто пойтахтнинг биқинидаги қишлоқларнинг аҳолиси ҳам "жинчироқ"лардан фойдаланишга мажбур бўлмоқда. Қишлоқлардаги "жинчироқ"ларга ким, қачон барҳам беради? Хусусан, бу аҳволга "Ўзбекэнерго" компанияси раиси Эргаш Шоисметов қандай изоҳ берадилар?

Мўмин ҚАЮМ,
журналист
Оҳангарон тумани

Муносабат

# ТАНҚИДДАН КЕЙИНГИ КЎРИНИШЛАР...



“... 2000 йилнинг 2 май куни биз — Толибжон Қодиров ва Раҳимжон Юлдашевлар “Ўзбек ипаги” уюшмаси идорасига бордик. Қабулхонада “Пойтуғ” ОАЖ бошқаруви раиси Ш.Қурбоновни учратдик. Бошқарув раиси Абдуғаффор Аҳмадалиевнинг хонасига Т.Қодиров кирганида қуйидаги суҳбат бўлиб ўтди:

А.Аҳмадалиев: “Акцияларни менга берасан, пулини мендан оласан”.

Т.Қодиров: “Мен акцияларни ҳеч кимга сотмайман”.

А.Аҳмадалиев: “Акцияларингни менга сотмасанг, улар қуруқ қоғоз бўлиб қолаверади, керак бўлса, уларни олдириб қўяман...”

Шундан кейин А.Аҳмадалиев Ш.Қурбоновга қуйидаги буйруқни берди: “Акциялари бўлса ҳам уларни фабрикага киритмайсан, ҳисоб ҳам бермайсан, қаерга борса, борсин...”

Мазкур парча Избоскан тумани “МТМ” кичик илмий ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Толибжон Қодировнинг жуда кўп идораларга — вилоят ҳокими, суд органларидан тортиб, ҳатто Ўзбекистон Республикаси Президенти номига ёзган хатларининг барчасида бор. Албатта, юқоридаги мулоқот қандоқ ёзилган бўлса, шундоқ бўлиб ўтганми ёки ўзгачароқ тарзда кечганми — билмадик. Ҳарҳолда, айни ҳолатда аниқ бир нима дейиш ғоят мушкул. Негаки, юқорида келтирилган парчадаги суҳбатдошлардан бири вазирлик даражасидаги ка-атта идора раҳбари. Иккинчиси эса, вазир даражасидаги амалдор бўлмаса ҳам ҳар қандай жойда ўз сўзи ва лафзига жавоб бера оладиган олим одам.

Бироқ воқеалар ривожи, “Пойтуғ” ва унга тегишли акция соҳибларининг кейинги пайтларда судма-суд чопишдан бўшамаётганини кўриб, наҳот юқоридаги гаплар рост бўлса, деган хаёлга борасиз...

Т.Қодиров мулкий ҳуқуқлари ҳимояси йўлида қайси идорага бормасин, биров кўкрагидан туртмади. Бир неча бор хўжалик судларига турли даъволар билан мурожаат этди — судьяларнинг олдида хижолат тортиб қолгани йўқ. Шу инсоннинг мурожаати асосида ўтказилган журналист текшируви натижаси ўлароқ газетамизда мақолалар эълон қилинди. Бу мақолалардан бирига Республика Бош прокуратурасидан қуйидаги жавобни олдик:

*“Республика Бош прокуратураси томонидан “Ҳуррият” рўзномасининг 2002 йил 27-ноябр сонида чоп этилган “Қоғозда — собиқ, амалда — содиқ” сарлавҳали мақола юзасидан Андижон вилояти хўжалик судининг 17-0207-829/17-0110-1453-сонли хўжалик иши бўйича қабул қилинган суд қарорлари ўрганиб чиқилди.*

*“Пойтуғ” акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари 2002 йил 2 майдаги умумий йиғилишининг қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги Андижон вилоят хўжалик судининг 2002 йил 12 сентябридаги ҳал қилув қарори асосли деб топилди.*

*Шунингдек, “Пойтуғ” акциядорлик жамияти кузатув кенгаши собиқ раиси М.Аҳмадалиева ва бошқаларнинг ноқонуний ҳаракатлари юзасидан чиқарилган хусусий ажрим Избоскан тумани прокуратурасига юборилиб, ижроси назоратга олинди.*

У.И.ТЎХТАМИШОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
судларда хўжалик ишлари кўрилишида прокурор
ваколатини таъминлаш бўлими бошлиғи”

Республика Бош прокуратурасининг юқоридаги жавоби қўлимизга текканига ҳали ой тўлгани йўқ. “Қоғозда — собиқ, амалда — содиқ” мақоласи юзасидан йўлланган мазкур жавобни, мазмунидан ҳам кўриниб турибдики, қонун тантанаси йўлида қўйилаётган кичикроқ қадам сифатида баҳолаш мумкин.

“Кичикроқ қадам” ибораси ёзилаётганининг боиси шуки, мақолада фақатгина хўжалик судининг қарори нечоғли қонунга тўғри эканлиги ёхуд кузатув кенгаши собиқ раиси М.Аҳмадалиеванинг ғайриқонуний ҳаракатлари хусусидагина гап бормаганди. Эсласангиз, ўтган йилнинг 12 сентябр куни чиқарилган Андижон вилоят хўжалик суди қарори ва унда гувоҳ сифатида кўргазма берган ишчининг кейинчалик “Пойтуғ” раҳбарияти томонидан таъзйиққа учраши, айниқса, акциядорлик **жамиятининг 25 фоиз давлат акция пакети ими-жимида арзон баҳога сотиб юборилиши оқибатида бюджетга жуда катта миқдорда зарар етиши эҳтимоли юзага келганига алоҳида урғу берилганди. Бу ҳақда Бош прокуратура жавобида ҳеч гап йўқ...**

Жавобдаги янги гап шуки, акциядорлик жамияти амалдорларининг ноқонуний ҳаракатлари юзасидан чиқарилган хўжалик судининг ажрими, ниҳоят, Избоскан тумани прокуратурасига юборилиб, ижроси назоратга олинибди.

“Ниҳоят” дея таъкидлаб айтилаётганига сабаб — бағоят кулгили ва ақлга сиғмас ҳолатдир: аввал ҳам таъкидланганидек, вилоят хўжалик судининг хусусий ажрими 2002 йилнинг 8 октябр куни чиқарилган. Бунга асос — “Пойтуғ” раҳбарларининг, хусусан, ваколатсиз кузатув кенгашининг раиси М.Аҳмадалиеванинг ноқонуний ишлари. Бундай ҳолатга — прокуратура ҳуқуқий баҳо бермоғи лозимлиги учун ҳам хўжалик суди Андижон вилоят прокуратурасига бир ой муддат ичида ёзма маълумот берилишини ўзининг хусусий ажримида алоҳида таъкидлаган. Қизиғи шундаки, хусусий ажрим ижроси кутилмаганда тўхтаб қолди. Суриштирувда маълум бўлишича, хусусий ажрим чиққанидан сўнг, эллик икки кун ўтса ҳамки, вилоят прокуратурасига юборилмаган экан! Бу ҳолни шунчаки эътиборсизлик, дея баҳолаб бўлмайди. Нега десангиз, суднинг ҳар бир қарори ёки ажрими ижроси қатъий назоратда туради. Айниқса, хусусий ажрим! Ижродан бўйин товлаш — жиноят иши қўзғатилишига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Иккинчидан, Андижон вилоят хўжалик суди ва вилоят прокуратураси оралиғидаги масофа пиёда беш дақиқалик йўл, холос. Демак, почта ходимларини айблаш ҳам ножоиз. Ниҳоят, учинчидан: хусусий ажрим чиқарилишигача олиб келинган суд мажлисида Андижон вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси А.Бадалбоев шахсан иштирок этиб, даъвони рад этиш хусусида хулоса берганди. Бироқ прокурор хулосасига тескари равишда даъво қаноатлантирилди. Оддий мантиқ: ўзи иштирок этган суд мажлисида қандай қарор ёки ажрим қабул қилинганини прокурор билмаслиги мумкинми?

Мана, сизга оддий ажрим ижроси юзасидан йўқ жойдан келиб чиққан сирли жумбоқ. Бу сирли жумбоқ замирида айтиб бўлмайдиган, ёзиб бўлмайдиган нарсалар ётган бўлса эҳтимол... Энг ёмони ҳуқуқ посбонларининг бундай ҳаракатлари айни шу ғовғалар бошида турган манфаатдор томонларга қувват бўлмаслигига кафолат йўқ даражада.

Юқоридаги баёнлар 2002 йил 2 май куни бўлиб ўтган “Пойтуғ” акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши амалдаги қонунчиликка зид ҳолда ўтгани, масала чувалашиб судгача етгани-ю, хўжалик судининг қарор ва ажримлари атрофида юритилган мулоҳазалар, холос.

Маълумки, бундан аввал ҳам “МТМ” даъвогарлигида Андижон вилоят хўжалик судида бошқа суд муҳокамаси ҳам бўлиб ўтганди: яъни, 1997 йилда Тошкент Республика фонд биржасида “МТМ” кичик илмий ишлаб чиқариш корхонаси “Пойтуғ”нинг 29 фоиз акцияларини сотиб олган. Акциялар қиймати беш банк иш куни давомида эмас, вилоят мулк бошқармаси розилиги билан тузилган янги шартномага мувофиқ, бир неча ой мобайнида тўланган. Орадан тўрт(!) йил ўтгач, бошқарма тўсатдан ўзгача йўл тутиб, сотилган акцияларни ўз ҳисобига қайтариб олиш ҳаракатига тушиб қолиши оқибатида келиб чиққан низо хўжалик судларида бир неча бор кўрилади. Натижада “МТМ” тўрт йил аввал сотиб олган акцияларининг учдан икки қисмига яқинроғига нисбатан эгалик ҳуқуқини тиклаб олган. Бироқ судлашишлар жараёнида “МТМ”дан қайтариб олинган 12, 17 фоиз акция масаласи ҳали муаллақ. У бошқарма ҳисобига ўтади, қачонки, шунча миқдордаги акция пуллари “МТМ”га қайтарилса... Айни шу масала юзасидан кичик корхона Андижон вилоят хўжалик судида яна даъво қўзғатган. Даъво аризаси хўжалик суди иш юритувига олиниб, ҳатто суднинг даъвони таъминлаш тўғрисида ажрими чиқарилган. Унга кўра, то суд муҳокамаси бир ёқли бўлгунча ушбу миқдордаги акцияни эркин савдога чиқариш, умумий йиғилишларда овоз бериш каби ҳаракатлар таъқиқлаб қўйилган!

Шунга қарамай, ушбу акцияларнинг эркин савдо биржаларига чиқариб юборилаётганини қандоқ баҳолаш мумкин?

Дарвоқе, ихтиёримиздаги ҳужжатлардан бирида масъул идораларнинг бирига Давлат мулк қўмитаси раҳбариятининг қуйидаги мазмунда йўллаган топшириғи зикр этилган: “Пойтуғ” ОАЖнинг 69,5 фоиз акцияларини қайта баҳолаш чораларини кўринг. Улар 25, 29 ва 15,5 фоизлар миқдорида сотувга чиқарилиши мумкин.

Энди ҳисоб-китоб қилайлик: 25 фоиз акция давлатга тегишли эди. Ўтган галги мақолада ушбу миқдордаги акция пакети арзон баҳода сотилиб кетгани оқибатида бюджетга жуда кўп миқдорда зарар етиши эҳтимоли юзага келганини алоҳида қайд этгандик.

29 фоиз акция масаласи ҳақида юқорида қайд этдик: унинг 16,83 фоизи “МТМ”га тегишли. 12,17 фоизи масаласи низоли бўлиб, Андижон вилоят хўжалик суди бу миқдордаги акцияларни ўз ажрими билан “музлатиб” қўйган.

Хўш, унда топширикда қайд этилаётган 15,5 фоиз акция қаердан кириб қолди?

Ҳужжатларда кўрсатилишича, 15,5 фоиз акция меҳнат жамоасига тегишли. Маълум бўлишича, бундан тўрт ой муқаддам ваколатсиз кузатув кенгаши раиси М.Аҳмадалиева ва акциядорлик жамиятининг бир неча мутасаддилари шахсан уйма-уй юриб, “янги акция чиқармоқдамиз, шу боис эгалик гувоҳномаларингизни топширинг, акс ҳолда, акциясиз қоласиз” баҳонаси билан юзлаб акциядорлардан қимматбаҳо қоғозлари йиғиб олинган экан!

Ҳозиргача меҳнат жамоага тегишли акция пакети корхона кадрлар бўлимида сақланаётир...

Бу ҳақда бошқа акциядор — Р.Юлдашев ўз вақтида Давлат мулк қўмитаси Андижон вилоят бошқармасига ёзма маълумот берган бўлса-да, мутасаддилар сукут сақламоқда.

Бундай сукут меҳнат жамоасига мулки бўлган 15,5 фоиз акция сотилиб кетилишига сабаб бўлмасмикан? Бу ҳол яна низолар кўпайишига олиб келмайдими?

Бу ёғига баҳо бериш ҳуқуқ соҳасининг нонини еб юрганларга тан.

Матбуот кучи бирор жойдаги қонунсизликка, бошбошдоқликка барҳам берилишига, жилла қурса, мутасаддиларни ҳушёрликка чақиришга етмаса ва бу ҳолатларга кенг жамоатчиликнинг гувоҳлиги уларда адолат, ҳақиқатга шубҳа туғдиради. Бу шубҳа бора-бора давлат ҳокимиятига нисбатан норозилик кайфияти пайдо қиладики, қонунсизлик мана шу жиҳати билан хавфли!

Ҳолбуки, қонунлар оёқости қилинишига соҳа мутасаддиларининг, жуда юмшоқ айтганда, масъулиятсизлиги сабаб, холос.

Биргина “Пойтуғ” ОАЖда мингдан зиёд ишчилар меҳнат қилади. Юқоридаги машмашалар эса мингдан ортиқ хизматчилар, акциядорларнинг ҳам ҳуқуқларига соя солаётир...

**ТАҲРИРИЯТ**

Шоҳбайт

*Неча зарурат ичра қолғон чоғи,*
*Чин демас эрсанг, дема ёлғон доғи.*

Алишер НАВОИЙ

Ҳимоя

*Уни ҳеч ким эшитмаяпти. Эшитишни истамаяпти. У эса, қонун, адолат оёқости қилинганидан, бунинг натижасида унинг бўйнига “судланди” деган тавқи лаънатни осиб қўйишганидан ҳамон — 6 йилдан буён ўзини қўярга жой топмаяпти...*

# ПОЛКОВНИКНИНГ ИЗТИРОБИ

Бунга ўхшаш баъзи жиноят ишларини кўриб, синчиклаб ўрганиб, ўйланиб қоласан: ниманинг оқибатийкин бу: айрим қонун пешволарининг шунчаки лоқайдлигими, билими оқсоқлигими, иймон-эътиқоди сустлигими, манфаатдорлигими? Зеро, қонунларимиз етарли даражада мукаммал, фақат уни қўлловчилар, ижро этувчилар баъзан номукаммал... Қаранг, йўқса, тўкис бир инсон, божхона хизмати полковниги, вилоят божхона бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, уч фарзанднинг отаси, айни қирчиллама 38 ёшида аслида қонуний битта имзоси асоссиз ноқонуний деб топилиб, 7 йилга (!) озодликдан маҳрум этиладими? Бу имзо нима учун денг — чет элга жўнатилаётган мол учун бир неча юз минг сўмлик божнинг тўланишининг уч-тўрт кун кейин тўланишига рухсат бергани учун. Ҳолбуки, буни ўзича қилгани йўқ эди — учта вагонга юкланган пахта момиғи жўнатилмай туриб қолгани учун эътироз билдириб ўртага элчихона вакиллари ҳам тушгач, республика бош божхона бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Г.Хохловнинг телефон орқали оғзаки буйруғига асосан у вагонларни жўнатишга рухсат берди. Кейин “СКИФ” фирмасининг ўша даврда божхонадан қарзи бўлмаган, ҳали аниқланмаган «қарз» учун юқорида имзо чекилган хатни ёзишга мажбур бўлган. Ҳолбуки, божхона тўловлари олдиндан тўла қўйилган.

Ҳукмда, яна иккинчи айб ҳам бор: мусодара қилинган мол-маҳсулотларни арзон баҳолаб сотиш натижасида давлатга 4 миллион сўмдан ортиқ зарар етказилган гўё. Нархлаш ишида, аввало бошлиқ муовини қатнашмаган бўлсада, у бухгалтерияга раҳбар (куратор) бўлгани учун жиноий жавобгар эмиш. Майли, буниси тўғри дейлик, бироқ ўша 4 миллион 688 минг сўм зарар ҳам аслида йўқ ердан, ноқонуний тарзда келиб чиққан сумма экани равшан кўриниб турибди. Яъни, терговчи қарорига кўра, тафтиш ўтказган тафтишчи мусодара қилинган товарларни жаҳон бозори нархида баҳолаган, ҳолбуки, мусодара қилинган бу товарлар фақат ички бозорда сотилган. Иккала нархнинг ўртасидаги фарқ эса бир неча баробарни ташкил этади. Яъни, агар у товарлар амалдаги қонунга кўра ички бозор нархида ҳисобланса, "давлат зарар кўрди" деган гап ўз-ўзидан йўқолар ва ҳатто у молларни сотиб олган фирмага божхона қарздор ҳам бўлиб қолар эди. Буни терговда ҳам, судда ҳам айбланувчи-судланувчилар, ҳимоячилар, гувоҳлар жон куйдириб айтишди, мавжуд қарор ва қонунларга асосан қайта ҳисоблаб чиқишни талаб қилишди. Бироқ... юқорида таъкидлаганимиздек, эшитадиган, бажарадиган одамлар — терговчи ҳам, судья ҳам эшитишмади, бажаришмади. Нега? Бу саволга жавоб уларнинг ўзларигаю, Аллоҳга аён, холос. Бу ёқда эса, тўрт киши, тўрт нафар инсон... судланди!

Позилов Зокир Позилович — уларнинг бири.

Буёғига... нималарни ёзишга ўйланиб қолдим: ҳамма гап айтиб бўлинди-ку!

Қаранг, инсон тақдири — "7 йил озодликдан маҳрум этиш" деган қисмат шунчалар осон эканки, икки оғиз ёзувнинг бағрига сиғиб турса!

Ҳа, ростданам, бор гап шу. Келинг, барибир, унга озгина шарҳ берайлик, жилла қурса, нега, қандай қилиб, қай тарзда, нима учун инсон тақдирига ўйинчоқ мисол муносабат содир этилгани хусусида фикрлашайлик.

Фарғонада фаолият кўрсатаётган кўптармоқли “СКИФ” фирмаси қонуний равишда ташқи иқтисодий фаолият юритиш ҳуқуқига эга бўлиб, 1995 йилнинг февралидан ноябрь ойигача 21 вагон пахта момиғини Тайваннинг “Вол Мен-сан-Пукайт Кан” фирмасига жўнатган. Бу эса, мазкур фирманинг божхонадан қарзи бўлмаганини тасдиқлайдиган ҳолат, акс ҳолда, агар қарзи бўлса, у бунча юкни жўнатолмас эди. Худди шунингдек, ноябрь ойи охирида ҳам яна 3 вагон пахта момиғи юкланиб, божхона юк баённомалари тўлдирилиб, жўнатишга тайёрлаб қўйилди. Ўша пайтда вилоят божхона бошқармасининг бошқа бир ўринбосари бу юкларни жўнатишни тўхтатиб қўйди. Сабаб: божхона бошқармаси билан “СКИФ” фирмаси ўртасида мусодара қилинган товарларни вақтинча сақлаш ва сотиб олиш тўғрисида шартнома мавжуд бўлиб, уни божхона томонидан ўша ўринбосар имзолаган ва бу даврга келиб у “СКИФ” фирмасига сотилган ва вақтинча сақланаётган товарлар ассортиментида, миқдорида ва нархларида англашилмовчиликлар вужудга келгани натижасида “СКИФ”ни қарздор деб ҳисоблаб, ушбу вагонларни жўнатишни асоссиз равишда тўхтатиб қўйган. Ҳолбуки, мусодара қилинган товарларни сотиб олиб, пул ўтказмагани учун ташқи иқтисодий фаолиятни тўхтатиб қўйишга унинг ҳуқуқи йўқ эди. Божхона бошқармаси бошлиғи иккала муовинини ҳузурига чақириб, бу ноқонуний ҳаракат эканини таъкидлаб, Позиловга юкларни жўнатиш масаласини ҳал қилишни топширди. Шунингдек, бошлиқ П.Юсупов фирма маъмурияти юкларни жўнатиш асоссиз тўхтатиб қўйилгани тўғрисида республика Бош Божхона бошқармасига маълум қилганини, Жанубий Корея элчихонасининг 1-секретари бошлиқ ҳузурида бўлганини, бу учта вагон халқаро низога сабаб бўлиши мумкинлигини айтди. Булар ҳақида гапирган Бош Божхона бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Г.Хохлов телефон орқали суҳбатда Фарғона божхонаси бошлиғига ҳам, унинг бу ишга масъул ўринбосари З.Позиловга ҳам вагонларни жўнатишга рухсат беришни буюрди. Буйруқ, у оғзаки бўлсада, бажарилди. Чунки фирманинг ҳали миқдори, асосли-асоссизлиги номаълум “қарзи” учун чет элга кетадиган 3 вагон юкни тўхтатиб туришнинг ўзи кейин ноқонуний хатти-ҳаракат сифатида кўп кўнгилсизликларни келтириб чиқариши эҳтимолдан узоқ эмасди.

Зокиржон, бу кўнгилсизликларга йўл қўймаслик учун, фирма директори А.Масловнинг 600 минг сўмни тўлашни 1995 йилнинг 5-6 декабригача тўлаш мажбуриятини олиб, юкланган учта вагонни жўнатишга рухсат сўраб, 30 ноябрда ёзган хатига “разрешить отсрочку до указанного срока” деб имзо чекди, шу билан 3 та вагон жўнатилишига рухсат берилди.

Воқеа шу. Қолган воқеалар — семиз жиноят иши ҳаммаси шу ўқ атрофида айланади. Бу жиноят ишига эса айбланувчи сифатида тўрт киши — “СКИФ” фирмаси раҳбари А.Маслов, Фарғона вилоят божхона бошқармасининг бош инспектори Б.Солиев, вилоят божхона бошқармасининг бошлиғи П.Юсупов, унинг ўринбосари З.Позилов жалб этилган ва судда тегишли жазога ҳукм қилинганлар...

Ана энди, ушбу “оламшумул” жиноятга сабабчи бўлмиш 4 миллион 688 минг сўм ҳақида батафсилроқ гаплашайлик. Бу, юқорида эслатилганидек, божхона томонидан мусодара қилинган ва “СКИФ” фирмасига сотилган товарларнинг гўёки “арзон нархда сотилгани” натижасида “давлатга етказилган жуда кўп миқдордаги зарар” деб малакаланади жиноят ишида.

Хўш, қаердан, қандай қилиб “чиқди” бу зарар?

Терговчининг қарорига кўра, Давлат Солиқ қўмитасининг солиқ катта инспектор-тафтишчиси Х.Тўлаганов ўтказган текширувда мусодара қилиниб, “СКИФ” га сотилган товарлар Ташқи иқтисодий фаолият вазирлигининг экспортга мўлжалланган баҳосида нархланган. Ҳолбуки, мусодара қилинган товарлар ҳеч қачон чет эл бозорига сотилмаган, фақат ички бозорга сотилган. Ҳолбуки, ўша линтнинг баҳоси тафтишчи асос қилиб олган экспорт прейскуранти бўйича ҳар тоннаси 26,125 сўм бўлса, Молия вазирлигининг ички бозор учун белгилаган прейскурантида 4,200 сўмни ташкил этади. “4 миллион 688 минг сўм зарар” — мана шу фарқ, холос.

Келинг, шу жойда полковник Позиловнинг Олий суд раиси номига ёзган назорат тартибидаги шикояти сатрлари орасида “дод!!!" деб турган нола-ю нидоларига бироз қулоқ тутайлик: “Судда гувоҳ сифатида кўргазма берган божхона хизмати ҳисоб-китоб бўлими бошлиғи Ж.Юлдашев (суд протоколи, 29-32 саҳифа) божхона билан “СКИФ” фирмаси ўртасидаги олди-сотди муносабатларини мустақил равишда текшириб, тегишли прейскурантлар (12-илова) асосида, товарларни мусодара қилган суд қарорларига боғлаган ҳолда таҳлил қилиб чиққанлигини айтган ва бу таҳлилга (13-илова) асосан божхона хизмати “СКИФ” фирмасига 132.437 сўм қарздор бўлиб қолганлигини ва судланувчиларга айб қилиб қўйилаётган "миллионлаб сўмлик зарар”лар тафтишчи Х.Тўлагановнинг мусодара қилинган товарларни жаҳон бозори нархларида қайта баҳолагани оқибатида, сунъий равишда келтириб чиқарганини билдирган бўлса-да, суд Ж.Юлдашевнинг кўргазмасини эътиборга олмади ва нима сабабдан бу кўргазма рад этилганини ҳам суд ўз хулосаларида кўрсатмаган.

Аксинча, божхона хизмати томонидан фуқаровий даъвогар сифатида судда иштирок этган Позилов Фахриддиннинг “СКИФ” фирмасининг божхона хизматига ортиқча пул ўтказиб бергани ва натижада божхона фирмадан қарздор бўлиб қолганлиги, божхона хизматининг ушбу фирмага ҳеч қандай моддий талаби йўқлигини маълум қилиб берган кўргазмаси (суд ҳукми, 17-саҳифа) суд хулосасида судланувчиларнинг ҳаракатларида жиноят таркиби йўқлигини исботловчи далил бўлиб эмас, балки уларнинг айбларини тасдиқловчи далил сифатида тескари талқин қилинган. (!? — Ҳ.О.). Суд ҳайъати фуқаровий даъвогар Ф.Позилов ўз даъвосидан кечиб, моддий талаб қўймагани ҳолда, тафтишчининг далолатномаси асосида миллионлаб сўмлик “етказилган зарар”ни ҳисоблаб, судланувчилардан ундириб олиш тўғрисида асоссиз, ўта масъулиятсизлик билан саводсизларча қарор чиқарган”.

Узр, қалби, вужуди ўзи олти йилдан бери ҳис қилиб, курашиб келаётган адолатсизликдан безиб, зириллаб қолган, жунбушга келган олий маълумотли ҳуқуқшунос бир инсон балки алам ўтида ноўрин сўзларни ишлатиб юборгандир. Ана шу “ноўрин”ни кўчирма матндан ўчириб ташламоқчи бўлдим-у, бошқа бир далил бу сўзни ўчиришга изн бермади. Бу далил шундан иборатки, Наманган вилоят суди 1997 йил 17 мартда чиқарган Ҳукм (судья А.Юнусов) билан Фарғона вилоят прокурори 1996 йил 21 октябрда тасдиқлаган Айблаш хулосасининг айрим жойлари шу даражада бир хилки, баъзи саҳифалар (ҳукм, 15-16-саҳифа, айблов хулосаси, 49-51-саҳифа) сўзма-сўз фарқ қилмайди. Аниқроғи, Ҳукм Айблаш хулосасидан кўчириб қўяқолинган. Бунақада суд мажлиси ўтказиб овора бўлишнинг нима кераги бор, Ҳукмни терговчи чиқариб қўяқолмайдими?

Аҳвол шундай бўлгач, полковник Позилов дод демай, ким додласин?! Мана, унинг Олий суд раисига ёзган саводли додидан яна кўчирмаларга эътибор беринг: “Менинг ҳаракатларимда жиноят таркиби бор-йўқлигини аниқлаш борасида суд ҳайъати ЎзР ЖПКнинг 22-моддасига хилоф равишда фақат бир томонлама, яъни қандай бўлмасин дастлабки тергов ва айблов хулосасини тасдиқлаш йўлидан бориб, ҳақиқатни ойдинлаштиришга ҳаракат қилмасдан иш олиб борди. Фикримнинг далили сифатида Ҳукмнинг ЖПКнинг 467-моддасига асосан ёзилиши лозим бўлган баёнот-асослантириш қисми суд терговида аниқланган, айбни инкор қилувчи далилларга асосланиш ўрнига, Айблов хулосасидан тўғридан-тўғри сўзма-сўз кўчириб олинган... Жумладан, ҳақиқат ойдинлаштирилмаганига мисол тариқасида қуйидагиларни келтириш мумкин. Менга қўйилган айб ўша — резолюция қўйганлигим бўлса ва ушбу резолюция Ўзбекистон Молия вазирлиги ва Давлат Солиқ қўмитасининг 100/149-сонли 26.09.1994 йилдаги йўриқномасига зид эканлиги бўлса, нима учундир суд менинг ўз кўргазмамда бу воқеа содир этилганда, яъни 1995 йилнинг 1 декабрида юқоридаги кўргазма кучда эмаслиги ва бекор бўлиб кетганлиги тўғрисида айтган далилимни текшириб ҳам кўрмади. (Бу йўриқнома 1995 йил 25 июль куни қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг 287-сонли қарори билан бекор қилинган). Менинг кўргазмам суд протоколи 230-241-саҳифаларида ифодаланган".

Қизиқ ҳолатми? Ҳа-да. Қизиқлиги шундаки, агар суд судланувчининг бу кўргазмасини текшириб кўрса, унинг зиммасидаги айб... барбод бўлиши мумкин. Йўғ-ей, шунча ойдан бери шунча одамлар шунча саъй-ҳаракат билан тиклаган бинойидай “иморат”ни судья адолатлиман, деб бир ҳамла билан йиқитиб ташласа, одамгарчилик қаёқда қолади? Одамгарчилик ҳам ўз йўлига-ку, у ёқда катта терговчи турибди бу иморатнинг лойини қорган, прокурор турибди томини ёпган — улар “раҳмат сенга, адолатли судья” деб раҳмат айтармикин? Оласан-а раҳматни...

Бунақа ҳадикларга тик бориш ва уни енгиш учун судьяда отнинг калласидай юрак, қайноқ виждон, покиза диёнат бўлмоғи керак. Афсуски, бу неъматлар ҳаммада ҳамма вақт топилавермайди. Натижада... Келинг, эртага бу мақолани ўқиган айрим мундир шарафини ҳимоя қилишга отланган масъул ҳуқуқшунослар “мухбир эҳтиросга берилиб, роса алжирабди”, деган айбномани тақашининг олдини олиб, юқоридаги фикрларни мутахассиснинг хулосаси билан тасдиқлаб олайлик. 2000 йил 26 октябрь санасида ўша пайтда Давлат Божхона қўмитасининг раиси С.Ариповнинг Олий суд раисига жўнатган хатига илова қилинган 44 варақ ҳужжатлар орасида Хулоса бор. Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитаси божхона-суриштирув ишлари бошқармаси инспектор-суриштирувчиси, божхона хизмати капитани О.Гулмирзаев ёзган ушбу Хулосада, жумладан, шундай дейилади: “... Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 19 июль кунидаги “Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш тўғрисида”ги ПФ — 1205-сонли Фармонининг 5-банди талабларига кўра 1994 йил 21 январдаги ПФ — 745-сонли Фармоннинг экспорт қилишда божхона божлари бўйича чекловлар, квоталар, лицензиялар ҳақидаги 3, 4, 5, 6-бандлари Вазирлар Маҳкамасининг тегишли Қарори қабул қилиниши билан ўз кучини йўқотган ва ушбу Фармон асосида Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 25 июль куни қабул қилган 287-сонли қарорига ЎзР Давлат Солиқ қўмитасининг 100/149-сонли Йўриқномаси ҳам ўз кучини йўқотган, амалдаги божхона қонунчилиги талабларига биноан, бож тўловларини тўлашни кечиктиришга божхона органига рухсат берилган.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Божхона Кодексининг 110-моддасида ҳам божхона тўловларини тўлашни 2 ой муддатгача (таъкид бизники — Ҳ.О.) кечиктириш ваколати худудий божхона органига берилган.

З.Позиловга тақалган жиноий айб бўйича у бож тўловини фақат 5-6 кунга кечиктирилишини сўраб ёзилган хатга “резолюция” қўйган, яъни рухсат берган. Юқоридаги Хулосада таъкидланган қонуний ҳужжатларга кўра — у ҳеч қанақа ноқонуний ҳаракат содир этмаган.

Ушбу Хулосадан яна кўчирма: “Кўптармоқли “СКИФ” фирмаси, божхона хизмати томонидан давлат фойдасига мусодара қилинган ва вақтинча сақлаш учун уларга топширилган пахта момиғи, линти ва рангли чиқиндиларни сотиб юборган бўлса-да, уларни сотишдан тушган пулларини барча тўловлар билан тўлиқ равишда божхона хизмати ҳисоб рақамига ўтказган, ҳаттоки тўлаши лозим бўлган 4.219.731 сўм ўрнига 4.352.168 сўм ўтказиб, 132.437 сўм кўп ўтказиб берган, яъни давлатга ҳеч қандай моддий зарар етказмаган.

Иш бўйича тайинланиб ўтказилган ҳужжатли тафтишда 1995 йилнинг 2 июнь куни божхона қонунчилигининг бузилиши натижасида олинган ва “СКИФ” фирмасига вақтинча сақловга топширилган пахта момиғи, линти ва рангли металл чиқиндиларини 9.356.734 сўм ўрнига 7.173.636 сўмга, яъни 2.183.092 сўм кам — арзонга сотган деб баҳолаган. Тафтишчи ЎзР Ташқи иқтисодий фаолият вазирлигининг 1996 йил 3 июль ва 23 июль кунлари берган экспортга чиқаришдаги баҳони асос қилиб олган. Ҳолбуки, мусодара қилинган товарлар фақат ички бозорда сотилади ва у Молия вазирлигининг ички бозор учун белгилаган нархлари билан баҳоланса, “жуда кўп миқдордаги зарар” деган гап мутлақо келиб чиқмас эди”.

Бу хат ва ҳужжатлар Давлат Божхона қўмитаси раисининг мурожаат хати билан Олий суд раисига назорат тартибида ўрганиб чиқиш учун юборилган эди. Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати ҳукмни ўзгаришсиз қолдирди. Олий Суд Раёсатининг 2002 йил 31 июлдаги Қарорига кўра, ҳукм ва ажрим ўзгартирилди: З. Позилов зиммасидан ЖК 209-моддаси чиқариб ташланди, илгари «7 йил» «5 йил»га туширилди. Иккита амнистия қўллаб жазони ўташдан озод қилинди. Ҳобуки, З. Позилов жазони ўташдан озод бўлиб чиққанига 1 йил бўлмоқда...

Полковник Позиловнинг эса ўз ҳақиқатлари бор. У адолат, ҳақиқат, ниҳоят, қонун тантана қилишига қаттиқ ишонади. Гарчи ҳибсда ётган, колонияда ўтаган қора кунлари ортда қолганига анча бўлса-да, ноҳақлик, ноқонунийликдан тортган жисмоний ва маънавий азоблари то адолат ғалаба қилмагунча унинг вужудини тарк этмайдигандек. У ҳамон умид ва ишонч билан яшамоқда: “Муҳтарам Олий суд раиси! Дастлабки тергов бир томонлама ва... сиртдан олиб борилди. Мени фақат ҳибсга олинган куним, яъни 1996 йилнинг 18 июнь куни бир марта сўроқ қилишди ва шу битта сўроқ билан судга чиқаришди”.

Ё алҳазар, дейишдан ўзга чора йўқ: наҳотки 7 йил озодликдан маҳрум этилишга муносиб жиноят соҳибини терговда бир марта сўроқ қилиш билангина ишни тугатиб бўлса?! Бунақа тергов тажрибаси жаҳон амалиёти учун “кашфиёт” вазифасини бажара оладиган оламшумул билимдонлик намунаси эмасми? Бунинг устига, айбланувчи "мана бу далиллар, мана бу қонуний асосларга кўра айбсизман" деб турса-ю, судгача бўлган етти (!) ой мобайнида уни сўроқ-жавобсиз қоронғи ва бадбўй хонага “тузлаб” қўйишса?! “Судгача бўлган қарийб 7 ой давомида ҳақиқатни ойдинлаштиришга ҳеч ким ҳаракат қилмади. Ҳолбуки, менинг айбсизлигимни мени сўроқ қилган терговчи ҳам, мени қамалишимни ташкил қилганлар ҳам жуда яхши билишар эди. Шунинг учун мен бўлажак суд жараёнини орзиқиб кутдим. Судда ҳамма нарса ойдинлашиб, дастлабки терговнинг йўл қўйган хатоларига барҳам берилади, ҳақиқат юзага чиқади, деб одил судга умид қилдим. Афсуски...”

Ҳа, афсуски... “Ҳозир менга ниҳоятда қийин, олти йилдан ортиқ вақт мобайнида ўзимнинг айбсизлигимни исботлай олмаганим етмагандек, менинг ҳақиқат қидириб юрганимдан устимдан кулгувчилар тобора кўпайиб бормоқда. Уларнинг фикрича, адолатни қидириб юришнинг ўзи тентаклик эмиш. Шунинг учун ҳам судланганлик тамғасини кўтариб юришга маҳкуммишман. Менга бу гапларни эшитиш жуда оғир, чунки мен Мустақил Ватанимиздаги аҳвол бундай эмаслигига имон келтираман. Барча соҳалардаги каби суд амалиётида ҳам ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилаётганини кўриб-билиб турибман. Айниқса, бу ислоҳотлар бевосита Юртбошимизнинг ташаббуси билан бўлаётгани ишончимга ишонч қўшади. Барибир, бир куни адолат қарор топишига, менинг инсонлик ҳуқуқларим ҳимоя қилиниши ва тикланишига, одамлар орасида юзим ёруғ бўлишига ишонаман”.

Ё, насиб!...

**Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ**

## ✓ Дараклар

### РОССИЯДА МАТБУОТГА УНЧА ИШОНИШМАЙДИ

Россиянинг "Труд" газетаси мамлакат матбуотининг 300 йиллиги олдидан аҳоли ўртасида сўров ўтказди. Сўровномадаги "Ватанимиз оммавий ахборот воситалари мамлакатдаги вазиятни тўғри акс эттираяпти, деб ўйлайсизми?" деган саволга қуйидаги жавоблар олинган:

**Объектив манзарани фақат бир неча нашрни ўқиганингдан кейингина била оласан**
**52,3 фоиз**

**Йўқ. Барча нашрлар у ёки бу магнат ва молиявий гуруҳлар таъсирида**
**27,0 фоиз**

**Шубҳасиз, вазиятни тўғри акс эттирадиган нашрлар бор, лекин уларнинг кўпчилиги ҳақиқатни ёзишмайди**
**17,1 фоиз**

**Матбуотга тўла ишонаман**
**2,7 фоиз**

GLOBUS
international life

### ОПЕК: арзон нархда кўп нефть

ОПЕКнинг нефть маҳсулотларини қазиб олишни янада кўпайтириш ҳақида қабул қилган қарори оқибатида жануби-шарқий Осиё давлатлари савдо-сотиқ биржаларида маҳсулот нар-



хи кескин пастлаб кетгани кузатилди (хусусан, Сингапурда 1 баррель нефтнинг баҳоси 40-50 центга пасайиб, эндиликда 31 долларни ташкил этмоқда).

ОПЕК халқаро ташкилоти якшанба куни Венада нефть қазиб олувчи мамлакатлар билан нархни бир маромда ушлаб туриш мақсадида маҳсулот ишлаб чиқарилишини оширишга келишиб олди.

Бирлашган Араб Амирликлари ва Венесуэла вазирларининг хабар беришларича, яқин кунларда бир кунда ишлаб чиқарилган нефть маҳсулотлари миқдори 7 фоизга ёки 1,5 миллион баррелга оширилади.

### 4 миллиард доллар ташвиши

2012 йилда Лондонда ўтказилиши кўзда тутилган



Олимпия ўйинлари Буюк Британия ҳукуматини андак ташвишга солиб қўймоқда. Чунки Олимпия ўйинларини ўтказиш учун кетадиган сарф-харажат 2,5 млрд. фунт стерлинг (4 млрд. АҚШ доллари) ни ташкил этмоқда.

Жаҳон матбуотида тарқатилган хабарларга қараганда 2012 йилги Олимпия ўйинлари бошқа йирик шаҳарларда ўтказилиши ҳам мумкин.

Бу борада талабгор шаҳарлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Москва, Истанбул, Будапешт, Рио-де-Жанейро шаҳарлари қаторига Нью-



Йорк, Париж, Торонто каби саноати юксак даражада ривожланган шаҳарлар ҳам қўшилгани ҳисобга олинса, Буюк Британия ҳукуматининг ташвиши жиддий экани ойдинлашади.

### Муаммо ҳал этилади

Сеулда Шимолий Корея атрофидаги ядро дастурини ҳал этиш бўйича турли музокаралар олиб бораётган Америка Қўшма Штатлари Давлат котиби ёрдамчиси Жеймс Келли АҚШ Шимолий Кореядаги ёнилғи танқислигининг ечимини топганлиги ҳақида баёнот берди.

Ж. Келлининг сўзларига қараганда, Оқ уй аввалгидек расмий Пхеньян билан ядро дастури бўйича музокаралар олиб бориш ниятида ва бу масалалар ҳал этилиши билан энергия муаммолари ҳам барҳам топишига умид қилса бўлади.



**Интернет хабарлари асосида Нодир Шоҳ тайёрлади.**

## ✓ Тақдир

# ТАРЖИМАШУНОСЛАР САРВАРИ



Инсон табиатидаги эзгулик қатламини марҳум, фазилатли кишиларни хотирлаш, уларнинг хайрли ишларини ёд этиш, улар руҳини шод этиш билан янада нурланиб, покланиб туради. Бахтимизга, мамлакатимизнинг нафақат олис, балки яқин тарихида яшаб ўтган аждодлар орасида ҳам авлодларнинг эҳтиромларига муносиб кишилар оз эмас. Бугун биз ушбу мақола билан ёд этмоқчи бўлган Санжар Сиддиқ ҳам шундай фазилатли кишилар жумласидандир.

XX асрнинг 20-30-йилларидаги адабий ҳаётда фаол иштирок этган сиймолар орасида таниқли журналист, таржимон, миллий таржимашунослик мактабининг асосчиси Санжар Сиддиқ алоҳида ўринни эгаллайди. Афсуски, у 1937 йил 17 августдан "халқ душмани" сифатида қамалиб, 1938 йил 8 октябрда отиб ташланганидан кейин ўзбек адабиёти ва журналистикаси тарихчилари Санжар Сиддиқ номини кам тилга олдилар. Унинг адабий мероси эса мутлақо унутилиб келди.

Санжар Сиддиқ бундан 100 йил муқаддам, 1902 йили Тошкент шаҳрининг "Соқичмон" маҳалласида туғилган. Унинг отаси Султонхўжа Сиддиқов 1876-1877 йилларда ўзбеклардан биринчи бўлиб рус тузем мактабини битирган, Европа маданияти ютуқларидан баҳраманд бўлган ўз даврининг тараққийпарвар кишиларидан бири эди. Лазиз Азиззоданинг ёзишича, Султонхўжа Сиддиқхўжаев ёшлик йилларида чой савдоси билан, кейинчалик эса боғдорчилик билан шуғулланган. "У ўзининг меҳнати билан, — деб ёзган эди Л.Азиззода, — Европа услубидаги хиёбонлари ва гулзорлари бўлган ажойиб бир боғни барпо этди. Ва ўз хонадонини стол, стул ва бошқа русча асбоб-анжомлар билан жиҳозлади. Султонхўжа ўзбекларга рус тилида аризалар ёзиб бериш ва адлия масалаларида ёрдам кўрсатиш билан Тошкентнинг таниқли ва обрўли кишиларидан бири сифатида танилди".

Султонхўжа Сиддиқов рус тилини яхши билгани учун бир неча рус фирмаларида приказчик (гумашта) бўлиб ишлади. Янги шаҳардаги ҳашаматли замонавий биноларнинг қурилишида иш юритувчи ва маслаҳатчи сифатида иштирок этди. 1917 йили эски маъмурият вакиллари ва руҳонийлар билан илғор зиёлилар ўртасидаги кураш кескин тус олганда у зиёлилар тарафида турди.

Санжар Сиддиқнинг маънавий ва маърифий камолотида ана шу тараққийпарвар отанинг таъсири, айниқса, каттадир.

Санжар Сиддиқ ёшлик кезларида "Сақичмон" маҳалласидаги мадрасада таҳсил кўриш билан бирга рус-тузем мактабида ҳам ўқиди.

Кейинчалик хусусий мутолаа йўли билан форс ва рус тилларини қунт билан ўрганишга киришди.

Санжар Сиддиқнинг журналист сифатидаги фаолияти 1918 йилдан бошланган. У "ТуркРОСТА" газетасида дастлаб мухбир, кўп ўтмай, масъул котиб вазифаларини бажарди. Шу вақтда мазкур газетада Мирмулла Шермуҳамедов, Мўминжон Муҳаммаджонов, Ғози Юнус, Чўлпон, Абдулла Қодирий (Жулқунбой) сингари таниқли қалам аҳллари хизмат қилаётган эдилар. Санжар Сиддиқ, бир томондан, мазкур газетада ишлаган устозлари, иккинчи томондан, Фитрат, Элбек, Қаюм Рамазон, Уйғур, Кабир Бакир, Усмонхон Эшонхўжаев, Мирмуҳсин Шермуҳамедов, Миркомил Миршаропов, Маннон Рамз, Зиё Саид, Комилжон Алимов, Бадриддин Аъламов, Қосим Сорокин сингари зиёлилардан иборат муҳит таъсирида забардаст журналист ва таржимон бўлиб етишди.

Марҳум журналист Холбек Ёдгоров қаламкаш биродарларига бағишлаган китобида Санжар Сиддиқнинг инсоний ва ижодий фазилатларини бундай таъриф ва тавсиф этган: "Санжар Сиддиқовнинг таланти, ўткир бадиий тафаккури, кучли қобилияти унинг ижодий изланишларида катта кенгликлар очиб берди. Бундай ноёб талантларнинг ижоди кўп қиррали бўлиб, журналистика ва адабиётнинг хилма-хил жанрлари унинг зеҳнидан четда қолмади. Санжар Сиддиқов ижоди ҳақида шу фикрни айтиш мумкин: у тарихчи, публицист, таржимон, тақризчи, санъатшунос ва педагог эди".

Лазиз Азиззода берган маълумотга кўра, Санжар Сиддиқ турли-туман комиссияларнинг аъзоси, хилма-хил анжуманларнинг иштирокчиси сифатида катта ижтимоий фаолият билан шуғулланган. Чунончи, у 1921 йили Фитрат, Булат Солиев ва Қаюм Рамазон билан бирга аҳоли қўлидаги шарқ қўлёзмаларини сотиб олиш учун Бухорога борган. 1922 йили эса Мустафо Камол ҳукуматига ёрдам бериш мақсадида тузилган комиссия таркибида У. Эшонхўжаев, И. Тўхтабоев, Қ. Сорокинлар билан бирга фаол ишлаган.

— "Санжарнинг табиати, — деб ёзади Л. Азиззода, - ўзига хос антиқа эди. У ҳар ким билан ҳам гаплашавермас, оз сўзлаб, кўп ишлар, шовқин-суронли давралардан қочар эди. У кишилардаги камтарлик, меҳнатсеварлик фазилатларини, уларнинг шахсий ва ижтимоий ҳаётидаги интизомни ҳурмат қиларди. У мулоқотда самимий, аммо жиддий бўлган. Агар унга бирор илтимос билан мурожаат қилишса, у бу илтимосни тез ва аниқ бажарган.

Мен 1924 йил апрелида Санжарнинг уйида бўлиб ўтган бир учрашувни ҳамон эслайман. Ўша ерда шоир Чўлпон қадаҳ кўтариб, Навоийнинг майни шарафловчи сатрлари билан Санжарга мурожаат этган. Санжар ҳам унга Навоий сатрлари билан жавоб берган ва гўё шу саъй-ҳаракати билан, аммо шу заҳоти яна бундай деган: "Мен сизнинг фикрингизни яхши тушундим, лекин мен майдан эмас, яхши китобдан завқ-шавқ олишни афзал кўраман". Санжар Сиддиқнинг бу сўзлари унинг қандай табиатли инсон бўлгани ҳақида аниқ тасаввур беради.

Санжар Сиддиқ меҳнат фаолиятининг дастлабки даврида (1920-1922 йиллар) эски шаҳардаги 12-сонли мактабда ўқитувчи бўлиб ишлади. Айни шу йилларда "Иштироккиюн" – "Қизил байроқ" – "Туркистон" газеталарида адабий ходим, "Озод Бухоро" газетасида бўлим мудири, "Китоб ва инқилоб" журналида масъул котиб лавозимларида ишлади. У 1925-1931 йилларда "Ўзбекистон" давлат нашриётида бош муҳаррир, 1934 йилдан қамоққа олингунига қадар "Гулистон" журналида масъул котиб сифатида хизмат қилди. Бинобарин, айтиш жоизки, унинг 1918 йилдан то сўнгги нафасига қадар бўлган ҳаёти журналистика оламида кечди. У шу даврда "Бир киши", "Биров", "Бир калтадум", "Газетчи", "Китобхон", "Кўз-қулоқ", "С", "С.С.", "Б.С.", "Тилчи", "Қомусчи" сингари тахаллуслар остида ўнлаб публицистик, адабий-танқидий ҳамда театр ва кино санъатларига оид мақолаларини эълон қилди. Санжар Сиддиқнинг адабий меросида "Матбуот", "Ўзбек матбуотида адбиёт янгиликлари", "Аланга" журнали, "Шарқ адабиёт виставкаси", "Ўзбек театри", "Театрларимиз тўғрисида" имло, маърифат, матбуот, адабиёт ва санъат масалаларига бағишланган мақолалар борки, улар маърифий ва адабий-ижтимоий қимматини ҳанузга қадар йўқотмаган.

Санжар Сиддиқ адабий-журналистик фаолияти давомида бадиий таржима масалаларига, айниқса, катта эътибор қаратди. У рус ва жаҳон адабиёти классиклари асарлари таржимаси билан шуғулланган комиссия ишида фаол иштирок этиб, Л.Н.Толстойнинг "Кавказ асири", Убайд Законийнинг "Мушук ва сичқон қиссаси", П.Павленконинг "Шарқда" романи ва бошқа асарларни, шунингдек, академик Н.Я.Маррнинг "Тил ва тафаккур" китобини, "Версаль шартномаси"ни ўзбек тилига, Зиё Саид ва Назир Сафаровнинг "Тарих тилга кирди" пьесасини эса рус тилига таржима қилди. Унинг Америка шоири Ленгстон Хьюздан қилган таржимаси Европа тилларидан ўзбек тилига ўгирилган биринчи асар сифатида миллий бадиий таржима тарихидан ўрин эгаллади. Санжар Сиддиқ айни пайтда адабий таржиманинг назарий масалалари билан жиддий шуғулланиб, 1932 йилда "Адабий таржима асарлари" мақоласини эълон қилди. 1934 йили эса унинг "Адабий таржима санъати" китоби нашр этилди. Ушбу китоб узоқ даврлар мобайнида ўзбек таржимашунослик мактабининг илмий-назарий дастури, таржимонлар учун эса яккаю ягона қўлланма бўлиб хизмат қилди.

Шу йилларда Ҳамза номидаги театр Маннон Уйғур, Етим Бобожонов, Аброр Ҳидоятов, Сора Эшонтўраева, Обид Жалилов, Сайфи Олимов, Шариф Қаюмов сингари арбобларининг илҳомбахш меҳнати туфайли халқ меҳр-эътиборини қозонган, янги-янги спектаклларни саҳналаштираётган, бинобарин, театрга Санжар Сиддиқдек моҳир таржимонлар сув ва ҳаводек зарур эди. Атоқли таржимон театрнинг буюртмаси билан Лопе де Веганинг "Қўзи булоқ", К.Голдонининг "Меҳмонхона бекаси", Н.В.Гоголнинг "Ревизор" (бу асар дастлаб Чўлпон таржимасида ўзбек драма студияси қатнашчилари томонидан саҳналаштирилган), Ас-Ҳабиб Вафонинг "Бомбей", П.Фурманский ва Я.Родионовнинг "Ван Ши-бин", Н.Зархинининг "Шодлик кўчаси", Н.Погодиннинг "Менинг дўстим", В.Киршонинг "Ажойиб қуюлма" каби саҳна асарларини таржима қилди ва улар "Ҳамза" театри (ҳозирги Миллий театр) саҳнасида катта муваффақият билан намойиш этилди.

Санжар Сиддиқ ўзининг бой билими ва ички маданияти билан Чўлпон ва Фитрат сингари даҳоларга руҳан яқин эди. Тергов материалларида айтилишича, Боту 1929 йилнинг охирларида ўзбек адабиёти ва унинг олдида турган вазифалар тўғрисида маърузалар ўқиб, шу йилларда вульгар социолог танқидчилар томонидан тошбўрон қилинаётган Чўлпонни ҳимоя қилган ва унинг шаънига самимий дил сўзларини айтган. Ушбу йиғилишдан кейин Чўлпоннинг бир неча сафдоши (шу жумладан, Санжар Сиддиқ ҳам) Фитратнинг уйида тўпланиб, Ботунинг фуқаролик жасоратига ҳамду сано ўқишган.

Аммо даҳшатли давр эшик қоқиб турган кезлар эди. Чўлпон боши узра лапанглаб турган болта фалакнинг гардиши билан Боту бошига тушди. Кўп ўтмай, 1937 йил даҳшатлари бошланиб, Чўлпон ва унинг кўплаб қаламкаш биродарлари қамоққа олинди. Мудҳиш йилнинг 17 августида Санжар Сиддиқ, 22 сентябрда эса унинг хотини Камола Мавлонова ҳам ҳибсга тушди. Уларнинг 5 ёшли ўғли Баҳодир, 2 ёшли қизи Маъмура болалар муассасасига олиб бориб ташланди. Тинч ва осуда турмуш тебратаётган оила хонавайрон қилинди. Камола опа 1939 йилнинг февралида озодликка эришди. Аммо 1937 йилнинг қора сояси унинг, фарзандларининг орқасидан узоқ йиллар ўрмалаб юрди.

Агар мустабид тузум Санжар Сиддиқ сингари халқнинг том маънодаги зиёлиларини ўроқдан ўтказмаганида, адабиёт ва санъатимиз янада гуллаган, халқимиз ва мамлакатимиз яна ҳам юксак тараққиёт босқичига эришган бўлар эди.

**Наим КАРИМОВ**

## ✓ Муаммо

# ОЛҚИШ ОЛГАН ЎҒРИЛАР

Гулистон шаҳрининг Охунбобоев номли маҳалласида яшовчи Санобар Мадраҳимова бузоғини сўйдириб қўйди...

Қизи Сайёра уйма-уй юриб қўшниларни айтиб чиқди:

– Гўшт оласизларми? Атиги бир ярим минг сўмдан...

Рисоладаги мол гўштининг бир килоси бозорда 2400 сўмлиги барчага маълум эди. Шунга қарамай, келганларнинг аксарияти гўшт олмай қайтди. Сабаби, бузоқ бечора қоқсуяк экан, гўшти қип-қизил чиқди...

Маҳалланинг шуниси яхшики, бировнинг бошига ташвиш тушса, барча ҳамдард бўлишга интилади. Ҳеч бўлмаганда тили билан. Бу гал ҳам гўшт олиб, бева аёлнинг аҳволини енгиллатмасада, маслаҳату тасалли берганлар кўп бўлди. Хусусан, ўзини мазкур маҳалланинг Афлотуни ҳисоблаб юрувчи бир акахонимиз ғоят оқилона гапни айтиб қолдилар:

— Мол боқяпсизми, доимо семиз ҳолда сақланг. Чунки мана шунақа мажбурий сўйишлар ҳам бўлиб туради... Мен сизга айтсам, Санобархон сингил, ориқ гўштдан семиз гўшт яхширoқ!

"Ориқ гўштдан семиз гўшт яхши". Қўшнилар турган-битгани ҳақиқат бўлган бу гапга якдиллик билан қўшилишди, ҳатто улардан бири бу ҳакимона гапни, ёдида сақлаб қолиш мақсадида бўлса керак, икки-уч такрорлаб ҳам қўйди. Лекин аёллигига борибми, "Санобархон сингил" жизиллаб кетди:

– Э, ака, менам биламан семиз гўштнинг яхшилигини! Бузоғим семиз бўлганида гўшти, аввало, ҳозиргидан бир ярим-икки баробар кўп тош босарди, қолаверса, чиройли бўлардики, сизларга ялиниб ўтирмасдан бозор нархида талатиб соттирардим. Нима қилайки, ўғлим бир ой елиб-югуриб на кунжара тополди, на шўлха...

Ҳайҳот, кунжараю шелуха кўпчиликнинг умумий дарди экан. Йиғилганлар бири қўйиб, бири аламини тўкиб сола бошлади:

– МЭЗ қурила бошлаганда қанчалар суюнгандик, мана энди емга сероб бўламиз деб. "Бўзчи белбоққа ёлчимайди" деганларидек, шаҳримизда ёғ заводи бўла туриб, бозоримизда шўлха-кунжара сотилмаса!

– Затў, бизни заводимизда ишлаб чиқарилган кунжара Бешарикда сотиларкан. Қудамникига борганда ўз кўзим билан кўрдим. "Гулистонни кунжараси" дейишди...

— Ўзимиз эса дарё бўйида туриб сувга зор!

— Қани эди Кулиевни обориб кўрсатсанг-да: "Эй инсон, шуни ўзимиздаям соттирсанг бўлмайдими?!" десанг!

Гап жиловини "Афлотун" ўз қўлига олди:

— Нима, завод директори Гулистон шаҳридаги моллар ем емайди, деб ўйлайдими сизнингча?! Йўқ, азизим, у шаҳрингизда юзлаб эмас, минглаб моллар боқишини ҳам ва бу моллар ўзга жойлардаги жинсдошлари каби шелухани, айниқса, кунжарани суюб истеъмол қилишини ҳам яхши билади. Фақат нима учундир, билмадим, биронта фирма-дўкон очиб соттиришни йўлга қўймайди... Аммо, мен сизларга айтсам, ем топишнинг йўли бор...

"Афлотун" шелуха ва кунжара топишнинг бир эмас, икки йўлини айтдики, мен уларни кейинроқ баён қиламан. Ҳозир эса бошқа бир мулоҳаза.

Ҳурматли газетхон, ўзингизга маълумки, бундан, айтайлик, ўн беш йил муқаддам гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган талабимиз асосан колхоз-совхозлар томонидан қондириларди. Бугунги кунда жамоат чорваси қолмади ҳисоб. Чорвадор фермерлар эса ҳали оёққа дадил туриб ололганларича йўқ. Уларнинг орасида чорвачиликни ташлаб, деҳқончиликка ихтисослашаётганлари ҳам талайгина. Хўш, унда бозорларимизни чорва маҳсулотлари билан ким сероб қилиб турибди? Хонадонлар, ҳа, ҳа, айнан хонадонлар, оилалар! "Индивидуал сектор" бугунга келиб мисли кўрилмаган даражада ривожланди. Сабаби, маош олмайдиган ёки олган маоши тирикчилигига етмайдиган кўплаб ҳамюртларимиз замонавий тадбиркорликнинг рақобат кучли, мураккаб йўлларидан юришни истамай ёки юра олмай анъанавий, нисбатан осон йўлни тутдилар — чорвага суяниб қўя қолдилар. Мен бир мақоламда Меҳнатобод туманидаги "Пахтакор" ширкат хўжалигида бир пода уч подага айланганлиги тўғрисида ёзган эдим. Бугун бошқа фактни келтирмоқчиман: вилоят рўзномасида "машинистка" бўлиб ишлайдиган бир опамиз квартирасида иккита товуқ боқаётганлигини гапириб берди. Эҳтиёжидан орттириб, қўни-қўшниларга тухум сотиб ҳам тураркан! Мен бу билан "дом"да товуқ боқишни тарғиб қилмоқчи эмасман. Балки бу санитария талабларига тўғри ҳам келмас. Айтмоқчи бўлганим шуки, мол-қўй ёки парранда боқувчилар кўпайиб бораётир. Хусусан, қишлоқлик бир танишимизникига борганимизда ўртоғимнинг хотини янги туғилган бузоқчани ўн беш-йигирма қадам наридан, яна бурнига рўмолча тутиб томоша қилганди. Бугун ана шу аёл иккита говмишни соғаётир! Хўш, унинг нозик таъби дағаллашиб қолдими? Бу саволга "Ҳа!" деб жавоб қайтарадиган бўлсам, ўзимни ҳам ҳақоратлаган бўламан. Чунки бир пайтлар мен ҳам қо-қолаб асабимни бузяпти, шеър ёзишимга халақит беряпти деб беш донагина товуғимни қозонга тиққан эдим. Бугун элликта товуғим бор. Қоқолашлари қулоғимга ҳар қандай ширин қўшиқданам хушроқ ёқади. "Қо-қо-қо"..." "Худога шукр, — дейман ўзимча, — етмиш беш сўм туғди!" Бироздан сўнг яна "қо-қо-қо!" Кўнглимда бир енгиллик сезаман: "яна етмиш беш сўм!" Ва қаламим енгилроқ йўрғалай бошлайди. Айни пайтда таажжубга тушаман. Ажабо, дейман ўзимга ўзим, бир пайтлар худди шу "симфония" илҳомимни қочирарди, энди эса илҳом бағишлаяпти. Бу ҳолни қандай изоҳласамикин? Нисбийлик категориясига боғласамми?...

Узр, муҳтарам газетхон, гапим бироз чўзилиб кетди. Лекин, нима бўлгандаям, эл-улус еб-ичаётган чорва маҳсулотларининг асосий қисми хонадонларда етиштирилаётганлиги — бор ҳақиқат. Аммо, афсуски, хонадон чорваси бугунги кунда ўгай бола аҳволидадир: у ер — бу ерда сақланиб қолган жамоат чорвасининг ўз "фонд"и, фермер чорвасининг ўз улуши бор, бироқ хонадонларда боқилаётган минглаб, ўн минглаб мол-қўйлар ҳам шелуха-кунжара ейишга ҳақли эканлигини бу озуқани ишлаб чиқараётган, тақсимлаётган, сотаётган инсонлар хаёлларига келтиришмаяпти. Боз устига молларни далага олиб чиқиб боқиш ҳам қийинлашиб бормоқда. Чунки ерларни бўлиб олган фермерлар далалари яқинидаги зовурларга ҳам эга чиқишмоқда: зовур бўйларида мол боқишни таъқиқлаб қўйишмоқда. Ҳатто, зовур ичидаги ўтларни ўрдирмаётган ўта зиқналари ҳам учраб турибди. Энди ем тугул тўйиб ўт ейиш имконидан ҳам маҳрум бўлган жониворларнинг қай ҳолатга тушишини бир кўз олдингизга келтиринг. Бу мол-қўйлар Санобар Мадраҳимованинг бузоғи ҳолига тушмайдиларми, ахир?!

Энди ваъдамга биноан ем топишнинг "Афлотун" акамиз айтган икки йўлини баён қилай. Улардан бири чўлдаги "савхўз"ларга чиқиб, фермерлардан кунжара-шелуха сотиб олиш эдики, буни эшитганлар қатъиян рад этишди: "Фермерлар оталарининг нархларида сотишади, боз устига, йўл кира!..."

Иккинчи йўли яширин бозордан, аниқроғи, "Гулистон экстрактёғмой" ҳиссадорлик жамияти билан вилоят шифохонаси ўртасида жойлашган айрим хонадонлардан, ё дуч келиб қолган ташмачилардан сотиб олиш бўлиб, бунинг ҳам "минус" томонлари бор экан: биринчидан, қиммат, иккинчидан, фақат таниш, ишончли кишиларгагина сотишаркан. Бу гапларни эшитиб ёдимга бир воқеа тушди.

Бултур ёз кунларининг бирида Тошкентга бораман, деб саҳарлаб йўлга чиқдим. Бекатда ёлғиз бир "Жигули" турган экан. Рулда олтмишлардан ошиб қолган киши. Шу пайт темир йўлдан икки ўспирин ўтиб келди. Иккови-нинг елкасида ҳам қоп. Димоғимга гуп этиб кунжара ҳиди урилди. Машина эгаси пулни бериб, ортидан қуюққина дуо ҳам қилди:

— Омин, биздақаларни бахтига омон бўлинглар, савоб ишларингга Ўзи ривож берсин! Ўшанда кулгим қистагандам тавба, ўғирликни ҳам савоб иш дейди-я!...

Яқиндагина эса ана шу дуонинг самимийлигига ишонч ҳосил қилдим.

Бир наввосим бор эди. Ориқ ҳолда сотишга кўзим қиймади. Кунжара излашга тушдим. Ҳазилкаш ўртоқларим устимдан кулишди.

— Гулистонда кунжара йўқ, МЭЗ бор! Сиз кунжарани кунжара ишлаб чиқарилмайдиган шаҳардан, масалан, Ўратепа ёки Бешарикдан изланг!

Айтганларидек, кунжара топа олмадим. Бир танишим макка дони ёки буғдой билан боқишни маслаҳат берди. Буғдой билан боқишга виждоним йўл қўймади. Макка дони эса унча-мунчага пишмаскан. Бунинг устига мол уни чайнамасдан, ямлаб ютавераркан. Томорқани қарғаю зағча босиб кетди, денг!" Нима қилишни билмай, хуноб бўлиб юрган кунларимнинг бирида ишдан келсам, не кўз билан кўрайки, сўрида икки қоп кунжара турибди-да! Хотин ичкаридан илжайиб чиқиб келди: "Қойилмисиз, дадаси, сиз шунча елиб-югуриб тополмаган кунжарани мен ўтирган жойимда топиб қўйдим!" Сир бой бермай, қовоғимни солдим:

— Буни қаердан олдинг?

— Бир йигит аравачада опкеп қолди...

— Демак, ўғирлик экан-да?

— Йў-ўқ, МЭЗда ишларкан, иш ҳақига беришибди...

Индамай ичкари кирдимда, МЭЗда ишлаган жойимга қўнғироқ қилдим: "Иш ҳақига нима беришди: пулми, кунжарами? Пул? Ҳа-аа, тушунарли..."

Кайфиятим тушиб кетди: Ўғирлик ем олмайман, деб шунча тиришганим бекор бўлди-я!

Бир тоғорага икки коса кунжара солиб, устидан қайноқ сув қуйдим. Совугач, олиб кириб Қоравойнинг олдига қўйдим. Умрида кунжарани кўрмаган наввос бечора шунақанги мазза қилиб ея бошладики, беихтиёр дуо қилворганимни билмай қолибман:

Ишқилиб, ўғ-ғ... йўғ-е, кунжара опчиқип сотадиганлар омон бўлишсин-да.

Аммо бироздан сўнг барибир алам қила бошлади: вилоят марказида минг тонналаб кунжара-шелуха ишлаб чиқарадиган заводи бор шаҳарда яшасанг-у, ҳалол пулингга ҳалол йўл билан бир қопгина кунжара топа олмасанг! Ташмачиларни, ўғриларни қачонгача алқаб юрамиз? Мана, журналист бўла туриб, мен ҳам алқаб ўтирибман. Эҳтимол, қоровул мелисалар ҳам алқашаётгандир. Ҳеч бўлмаса, мол-қўйлари борлари...

Бу мақола аввалроқ ёзилган ва унга худди шу ерда сўнгги нуқта қўйилган эди. Аммо кейинги пайтларда эл-улус орасида умидбахш, айтиш мумкинки, яхши "миш-миш"лар ўрмалаб қолдики, баъзиларини эътиборингизга етказишни лозим топдим:

— Эшитдингизми, янги ҳоким катта йиғилишда: "Мен фермер томондаман, меҳнаткаш томондаман, кимки меҳнаткашга зулм ўтказса, мендан яхшилик кутмасин?" деганмиш.

— Эшитдим. Раҳбарларни тўплаб: "Қайси биринг қўл остингдагиларга қўпол муомала қилсанг, жавобини мендан оласан" деганини ҳам эшитдим.

— Талон-тарож қилинган техникаларни, ҳатто Тожикистону Қозоғистонга ўтказиб юборилганларини ҳам топтириб келтираётганмиш...

— Тўғри, тўғри! Худди Ҳорун ар-Рашидга ўхшаб ўзини танитмаскан, кўпинча "мухбирман" деркан!

— Нега ўзимизнинг завод бўла туриб, одамларимиз шўлхаю кунжарага зор бўлиб юради? Аҳолига сотишни ҳам йўлга қўямиз, депти...

Эшитдингизми, азиз газетхон, бу гапларнинг ичида биз кўтарган муаммога дахлдори ҳам бор экан. Миш-миш ҳақиқатга айланиб, ташмачи-ўғриларни алқаб юришдек мантиқсизликдан қутулсак, не ажаб!

**Мухторали НОСИРОВ,**
**"Ҳуррият"нинг махсус мухбири. Сирдарё**

## ✓ Мулоҳаза

# МАТБУОТ ИҚТИСОДИЙ ЭРКИНМИ?

Бугун вақт бирлиги ўзгариб қолгандай: тараққиёт шиддати ҳеч ким билан ҳисоблашмай, аср интиҳоси томон шитоб билан бормоқда. Бунинг исботи — мамлакатимизда ОАВнинг вужудга келганига ҳам бир асрдан ошгани. Бу вақт ҳар қандай соҳанинг тўла шаклланиб, ўз йўналишига, кўринишига эга бўлиши учун етарли. Бироқ газеталарда, радио-телевидениеда эълон қилинаётган ижтимоий мақолалар, кўрсатув ва эшиттиришлар халқнинг талаб ва эҳтиёжларини ўзида тўлалигича акс эттиролмаётгандай туюлади менга. ОАВ эркинлиги, ижтимоий ҳаётдаги барча муаммоларни очиқ-ойдин фош этиши зарурлиги ҳақида жуда кўп гапирилди. Бунинг сабаблари, илдизлари кўп тафтиш қилинди ва қилинмоқда. Кимдир журналистларнинг ҳуқуқий онги, билими етарли эмаслигини рўкач қилади. Яна кимдир журналистлар ёза олади, лекин уни қабул қилувчи халқ тайёр эмас, деган сабабни ҳам кўрсатади.

Менимча, ОАВ мустақиллиги, деганда унинг иқтисодий эркинлиги ҳам тушунилади. Таҳририят иқтисодий жиҳатдан эркин бўлолмас экан, у ҳеч қачон ўзи хоҳлаган мавзуни ёритолмайди. Сабаби — танқид қилинган каттароқ ташкилот орқали газетанинг "жиғини эзиб қўйиш", яъни моддий ёрдамни узиб, газетани бутунлай хароб этиш мумкин. Шундай бўлгач, газеталар мақола мавзусини танлашда "етти ўлчаб, бир кес" мақолига амал қилади. Бу эса чеклашнинг бир кўриниши, холос. Эҳтимол, матбуот тўлиқ эркин бўлолмас, лекин эркинлик чегарасини кенгайтириш мумкин-ку! Иқтисодий эркинлик матбуот эркинлигида муҳим аҳамият касб этувчи эрк чегарасини янада кенгайтирадиган шундай жараёнларнинг асосийсидир.

Тўғри, муассиснинг таҳририят ишига аралашиши мумкин эмас. Лекин амалиётда кўряпмизки, таҳририят кўп ҳолларда муассис билан ҳисоблашишга мажбур бўлмоқда. Демак, ОАВнинг моддий жиҳатдан тўла эркинлиги, албатта ундаги мақолалар мазмун-моҳиятига таъсир қилмай қолмайди. Матбуотнинг моддий таъминоти ўз қўлида бўлгач, имкониятига қараб мухбирларига яхшигина ҳақ тўлай олади. Бу нарса эса матбуотдаги яна бир муаммо – қалам ҳақи масаласини ҳам ҳал қилади. Албатта, ҳар бир ҳаракатнинг тагида аввало моддий манфаатдорлик туради. Моддий жиҳатдан яхши таъминланмаган журналистдан эса жиддий-таҳлилий мақола кутиш қийин.

**Беҳзод МАМАДИЕВ,**
**ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси**

## ✓ Фикр

# ТИНЧЛИК – ОЛИЙ НЕЪМАТ

Дунёнинг сўнгги янгиликларини таҳлил қилишга киришиб кетган талабалар куйиб-пишиб ўз фикрларини исботлашга уринишарди. Айниқса, сўзни ўз қуроли деб билган бўлажак журналист талабалар орасида бу нарса, яъни ўз фикрини ҳимоя қилиб, тингловчига исботлаб бериш — ўз шаънини ҳимоя қилишдек гапга айланиб қолган бир пайтда. Кутилмаганда талабалардан бири баланд овозда бутун аудиторияга савол билан мурожаат қилиб:

— Азиз талабалар, бир саволимга жавоб берсаларинг. Тинчлик нима ўзи? — деди. Бунақа оддий саволни кутмаган талабалар бирпас жим қолди.

— Шу ҳам савол бўлди-ю?! — энсаси қотди кимнингдир.

— Нима, бизни синамоқчимисан, ўртоқ ёки масхара қиляпсанми? — ўрнидан туриб кетди ёнида ўтирганларнинг бири.

Табиатимиз қизиқ-да ўзи. Гўёки интилаётганимиз ҳар қандай мураккаблик замирида ҳам оддийлик ётишини билмагандек, унга кўп ҳам эътибор беравермаймиз. Ваҳоланки, оддийликни буюклик белгиси, дейишади. Қаҳрамон талабамиз буни ёқтиради шекилли, гапни чувалаштириб ўтирмасдан, қисқа қилиб саволни берди-қўйди. Аммо айрим талабалар беписанд қараётганини кўрмайсизми. Сал бўлмаса, нотўғри тушунишларига оз қолди-я.

Бироқ, қаҳрамонимиз ҳам анойи эмас экан. Дарҳол уларни тушунди. Нима бўлганда ҳам бўлажак журналист-да. Саволини жавобсиз қолдиргиси келмади.

— Илтимос, мени тўғри тушунинглар. Бу саволни сизларни синаш учун ҳам, масхара қилиш учун ҳам бераётганим йўқ. Шунчаки, фикрингизни билгим келди. Унда яна такрорлайман: тинчлик нима?

Аудиторияда савол иккинчи маротаба жаранглади. Жавоб бериш учун қўл кўтарган талабалар эндиликда тинчлик сўзига навбат билан таъриф берар эканлар, чиройли сўзлар қидиришга интилишаётганликлари кўриниб турарди.

— Тинчлик, бу — юртимизнинг осойишталиги, — жавоб қилди қизлардан бири.

— Ватанимиз тараққиёти ва ривожланиши ҳам тинчлигимиз меваси, — деди яна бири ғурур билан.

— Тинчлик, бу — сизу бизнинг шоду хуррам кунларимиз, хусусан, шу хонада хаёлимизни бир жойга йиғиб дарсда ўтирганимиз ҳам.

— Умуман олганда, ота-онамизнинг бағридалигимиз ҳам тинчлигимиз сабабли.

— Ширин орзулар, буюк мақсадлар билан яшаётганимиз ҳам, маҳаллалардаги тўйлар ҳам барибари тинчлик ҳукмронлигидан.

Хуллас, Москва воқеалари сабаб бўлиб бошланган талабалар орасидаги оддий савол-жавоблар, анчадан буён тилга олинмаётган тинчлик сўзининг нима эканлигини яна бир бор барчанинг ёдига солди. Баҳонада мен ҳам ўзимнинг қисқа жавобимни айтишга муваффақ бўлдим:

— Тинчлик, бу — олий неъмат. Қолаверса, бурнимизнинг остида кўринмай турган бахт.

**А. УМАР,**
**талаба**

